

## ҚАРОР

2025 йил 7 май куни Тошкент шаҳар жиноят ишлари бўйича Бектемир туман суди, ўз биносида, очик суд мажлисида, тергов судьяси Ф.Пулатовнинг раислигида, судья ёрдамчиси А.Утбасаровнинг котиблигида,

2006 йил 13 ноябрь куни Тошкент шаҳрида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, бўйдоқ, маълумоти ўрта, вақтинча ишсиз, муқаддам маъмурий жавобгарликка тортилмаган,

яшовчи

га

нисбатан Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 41-моддаси, 41<sup>1</sup>-моддаси биринчи қисми, 202<sup>2</sup>-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган ҳуқуқбузарликни содир этганлик ҳолати юзасидан 3-1010-2507/1664-сонли маъмурий ишини кўриб чиқиб, қуйидагиларни

## АНИҚЛАДИ

2025 йил 25 апрель куни вояга етмаган га шахвоний шилқимлик қилиб, унинг оёғи сон қисмидан ушлаб, нинг оёғи сон қисмини очик ҳолда фото тасвирга олиб, мазкур фото тасвир ва нинг юзи тасвирланган фото суратнинг устига унинг кадр-қимматини камситилишига ва унинг обрўсизлантирилишига олиб келадиган уятли ёлғон ёзувларни ёзиб, “INSTAGRAM” ижтимоий тармоғида тарқатган.

Бундан ташқари, вояга етмаган нинг онаси ни телефон орқали уятли сўзлар билан ҳақорат қилганлиги аниқланган.

Суд мажлисида маъмурий жавобгарликка тортилаётган, у юқорида кўрсатилган ҳуқуқбузарликни содир этганлигига иқрорлик билдириб, қилган ишидан пушаймонлигини, келгусида бундай ҳолат бошқа такрорланмаслигини баён қилиб, оилавий шароитини инобатга олиб, суддан унга нисбатан енгиллик беришни сўради.

Суд мажлисида жабрланувчининг қонуний вакили, ҳақиқатдан ҳам унинг вояга етмаган қизи га шахвоний шилқимлик қилиб, унинг оёғи сон қисмидан ушлаб, нинг оёғи сон қисмини очик ҳолда фото тасвирга олиб, мазкур фото тасвир ва нинг юзи тасвирланган фото суратнинг устига унинг кадр-қимматини камситилишига ва унинг обрўсизлантирилишига олиб келадиган уятли ёлғон ёзувларни ёзиб, “INSTAGRAM” ижтимоий тармоғида тарқатганлигини, бўлган воқеа ҳақида гаплашиб олиш мақсадида кўнғироқ қилган вақтида уни телефон орқали уятли сўзлар билан ҳақорат қилганлигини баён қилиб, унга ва вояга



етмаган қизиги етказилга маънавий зарарни ундириб беришни ҳамда унга нисбатан қонуний чора кўришни сўради.

███нинг мазкур ҳуқуқбузарликларни содир этганликдаги айби ҳуқуқбузар ва жабрланувчининг қонуний вакилининг суд мажлисидаги кўрсатувлари, ёзишмалар, тушунтириш хатлари ҳамда ишда тўпланган бошқа объектив далиллар йиғиндиси билан тўлиқ ўз тасдиғини топган.

Суриштирув органи томонидан ███нинг ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси МЖтК 41-моддаси, 41<sup>1</sup>-моддасининг биринчи қисми, 202<sup>2</sup>-моддасининг биринчи қисми билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Суд ҳуқуқбузар ███га жазо тайинлашда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2018 йил 30 ноябрдаги “Судлар томонидан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўришни тартибга солувчи қонунларни қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги 35-сонли қарори талабларига риоя қилган ҳолда, унинг айбига иқрорлигини, содир этилган ҳуқуқбузарликнинг ижтимоий хавфлилик даражасини, ҳуқуқбузарнинг моддий ахволини инобатга олиб, уни қонунларга риоя этиш ва уларни ҳурмат қилиш руҳида тарбиялаш, шунингдек, янги ҳуқуқбузарлик содир этилишининг олдини олиш мақсадида, унга нисбатан Ўзбекистон МЖтК 41-моддаси, 202<sup>2</sup>-моддасининг биринчи қисми санкциясида назарда тутилган жарима жазоси, МЖтК 41<sup>1</sup>-моддасининг биринчи қисми билан маъмурий қамоқ жазоси тайинлашни, Ўзбекистон МЖтКнинг 34-моддасига асосан узил-кесил маъмурий қамоқ жазосини тайинлашни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси “Маъмурий қамоқни ўташ тартиби тўғрисида”ги Қонунининг 24-моддасига кўра, маъмурий қамоққа олинган шахслардан суднинг қарорига кўра, махсус қабулхонада сақлаш билан боғлиқ харажатлар суткасига базавий ҳисоблаш миқдорининг 15 фоизи миқдорида ундирилиши белгиланган.

Суд, юқоридаги қонун талабидан келиб чиқиб, ҳуқуқбузар ███дан махсус қабулхонада сақлаш билан боғлиқ харажатларни суткасига базавий ҳисоблаш миқдорининг 15 фоизи миқдорида ундириш белгилашни лозим топади.

Шунингдек етказилган моддий ва маънавий зарар бўйича фуқаролик ишлари бўйича судга мурожаат қилиш ҳуқуқи тушунтирилсин.

Юқоридагиларга асосан ҳамда Ўзбекистон Республикаси “Маъмурий қамоқни ўташ тартиби тўғрисида”ги Қонунининг 24-моддаси ва МЖтКнинг 245, 309- 310-моддаларига амал қилиб, суд

## ҚАРОР ҚИЛДИ

███ Ўзбекистон МЖтК 41-моддаси, 41<sup>1</sup>-моддасининг биринчи қисми, 202<sup>2</sup>-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган ҳуқуқбузарликни содир этган деб топилсин ва унга:



Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 41-моддаси билан базавий ҳисоблаш миқдорининг 20 (йигирма) баравари, яъни 7.500.000 сўм жарима солинсин.

Ўзбекистон Республикаси МЖТК 41<sup>1</sup>-моддасининг биринчи қисми билан 5 (беш) сутка маъмурий қамоққа олиш жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси МЖТК 202<sup>2</sup>-моддаси биринчи қисми билан базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 (элик) баравари, яъни 18.750.000 сўм жарима солинсин.

Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 34-моддаси тартибида [REDACTED] га узил-кесил 5 (беш) сутка маъмурий қамоққа олиш жазоси тайинлансин.

Маъмурий қамоқ жазосини ўташ 2025 йил 7 май соат 15:00дан бошлаб ҳисоблансин.

Жазо ўталганидан сўнг [REDACTED] дан Тошкент шаҳар ИИББ Маъмурий тартибда қамоққа олинган шахсларни сақлаш махсус қамоқхонаси фойдасига қамалганларни сақлаш билан боғлиқ бўлган харажатлар учун маъмурий қамоқнинг ҳар бир суткаси учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 15 фоизи миқдорида, яъни 281.250 сўм (х.р. 21506000900447878010 Ўзбекистон Республикаси МБ Тошкент шаҳар Бош бошқармаси ХКМ, МФО: 00014 ИНН: 201757285) Ипотека банкининг “Меҳнат” бўлимига ундирилсин.

Жабрланувчига етказилган моддий ва маънавий зарар бўйича фуқаролик ишлари бўйича судга мурожаат қилиш ҳуқуқи тушунтирилсин.

Қарор ижросини тامينлаш Тошкент шаҳар ИИББ Маъмурий тартибда қамоққа олинган шахсларни сақлаш махсус қамоқхонаси ва Бектемир тумани ИИОФМБ инспекторларига юклатилсин.

Қарордан норози томон қарор ўқиб эшиттирилган кундан, эътиборан ўн сутка ичида, ҳуқуқбузар ва жабрланувчи қарор нусхасини олган кундан 10 сутка ичида Тошкент шаҳар судининг жиноят ишлари бўйича судлов хайъатига апелляция тартибида, апелляция бериш муддати ўтгач, биринчи инстанция судининг қарори чиқарилган кундан эътиборан 6 ой ичида кассация тартибида шикоят беришга, прокурор эса протест билдиришга ҳақлидирлар.

**Раислик қилувчи:**

**/имзо/**

**Ф.Пулатов**

Қарор нусхаси аслига тўғри, судья:

